
ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК: ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА КЎЗГА ТАШЛАНГАН ҚАРОВСИЗ УЙ-ЖОЙЛАР ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Гарчи Ўзбекистон туманида аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш йўлида тизимли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Вилоят ҳокими тумандаги ўрганишлари чоғида туман ички ишлар секторида жойлашган “Яйпан Гузар” МФЙдаги 2 қаватли турар-жойлар ва уларнинг ён-атрофларини кўздан кечирди.

Вилоят раҳбари билан мулоқот чоғида аҳоли мавжуд муаммоларга тўхталиб ўтдилар. Кўп қаватли уйда яшовчи Раъно Шарипова 1961 йилларда қурилган уй томидан ёғин-сочин кунларда сув ўтишини, томлар ва бинолар таъмирталаб эканлигини айтди.

Вилоят раҳбари бинолар маънан эскирганлигини, бироқ мавжуд муаммолар албатта, тезкор ҳал қилиниши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, Яйпан Гузар МФЙ ҳамда А.Жомий МФЙлари ўртасидаги ҳудудлар қаровсиз ҳолга келиб қолганлигини, маҳалла раислари ва мутасаддилари бепарволигини кескин танқид қилди.

Ҳолатни ўнглаш, атрофни ободонлаштириш юзасидан туман раҳбарларига зарур топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-01-20 00:08:03